# ОҲАНГАРОН ВАХТАДА

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

14 ИЛ ЧИҚИШИ

№ 86 (3568).

30 апрель ЯКШАНБА, 1967 ИЛ

Баҳоси 2 тийин.

## ЭРТАГА МАЙ

Эртага Май. Баҳор, гўзаллик байрами. Меҳнаткаш халқлар ва элатларнинг бирдамлик ва қардошлик куни. Байрам шодиёналари, тантана ва нашидалари ўлкамиз бўйлаб аллақачоноқ кезиб юрибди. Кишилар чеҳраси хандон, қалблари шавқ ва завққа тўла. Кўчалар, хиёбонлар, қишлоқ ва шаҳарлар, бутун борлиқ байрам либосида. Баҳор фаслининг латофати ва файзи дилларимизга олам-олам завқ, қувонч бахш этмоқда.

Бу йилги май ўзгача. Бу йилги май — юбилей майи. Яна бир неча ойдан сўнг Советлар диёрининг халқлари, прогресив инсоният янги ҳаёт, тараққиёт ва ҳур давр яратиб берган, жаҳонда капитализм кишанларини биринчи бўлиб парчалаб ташлаган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ярим асрлик тўйини байрам қиладилар. Шонли ва тарихий санани биргина бизнинг мамлакатимизда эмас, социалистик қардош мамлакатларда, ўз эрки ва озодлиги, миллий мустақиллиги учун кураш олиб бораётган халқлар ва элатлар юртида ҳам муносиб кутиб олиш ва нишонлаш учун тайёргарлик кўрилмоқда.

Май арафасида меҳнат зафарлари, яратувчилик ва ижодий ишлар самараси ҳар бир совет кишисининг қалбини чексиз фахр ва қувончга тўлдирмоқда. Республикамиз, шу жумладан областимиз саноатчилари тўрт ойлик планни муддатидан илгари бажардилар. Янги-янги уй-жой, маданий-маиший бинолар ишга туширилди. Илғор корхоналар ва коллективлар юбилей йили социалистик мажбуриятларини шараф билан бажармоқдалар. Ватан ишқи, халқ бахти-саодати, келажак истиқболимиз йўлида жасорат, қаҳрамонлик кўрсатиб меҳнат қилаётган азамат ва баҳодир ишчиларимиз улуғ байрамга шахсий совғалар тайёрламоқдалар. Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари мамлакатга кўпроқ маҳсулот етказиб бериш, эл-юртни янада башанг кийинтириш, халқ дастурхонини бойитиш иштиёқида ғайрат ва ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар. Ҳар бир меҳнат аҳли, ҳар бир касб ва ҳунар эгаси ижод билан, бунёдкорлик, янги изланишлар билан банд.

Май — халқаро бирдамлик, бирлик ва қардошлик куни.

Тинчлик, озодлик, миллий мустақиллик! Бу сўзлар жаҳондаги ҳар бир ишчи ва меҳнаткашининг, тинчлик ва озодликка ташна халқларнинг дилларида баралла янграмоқда. Бу сўзлар империализмга ва мустамлакачиликка қарши, миллий озодлик учун, тинчлик, демократия ва социализм учун курашаётган миллионларнинг жанговар ва қудратли овози. Америка империалистлари ва уларнинг малайлари янги уруш оловини ёқиш, озодлик йўлида қатъий кураш олиб бораётган халқларнинг қудратли ҳаракатини бўғиб ташлаш учун турли кирдикорларни ишлатмоқдалар. Улар Вьетнам халқига қарши очиқдан-очиқ босқинчилик урушни олиб бормоқдалар. Империалистик давлатлар Европа қитъасида тинчлик ва хавфсизликка хатар солмоқчилар. Осиё ва Африка ҳамда Латин Америкаси давлатларининг ички ишларига қўпол равишда аралашмоқдалар. Улар тарихнинг боришини орқага буришга ва халқларнинг ўз тақдирларини ўзлари ҳал қилиш ҳуқуқини йўқ қилиб ташлашга уринмоқдалар. Бундай бир вазиятда Европада империализм кучларига қарши кураш, агрессорлар ва реакциячиларнинг қора ниятларини фош қилиб ташлаш катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу курашдаги ҳар бир муваффақият бизнинг қитъамизда мустаҳкам тинчликка қўйилган қадамгина бўлиб қолмай, шу билан бирга зўравонлик снёсатига ҳамда империализм бутун ер курраси-нин ўраб олган ва бир-бири билан боғланган агрессив — ҳарбий пактлар системасига урилган янги зарба ҳамдир. Европа коммунистик ва ишчи партияларининг яқинда бўлиб ўтган конференцияси Европада хавфсизлик масалаларига бағишланди. Бу конференцияда қабул қилинган Баёнот жаҳонда тинчлик ва хавфсизлик учун курашда ғоят муҳим тарихий ҳужжатдир.

Баёнотда айтилишича, турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши принципини изчиллик билан амалга ошириб келаётган социалистик мамлакатларнинг актив ташқи снёсати, айниқса КПСС XX съездидан кейин тобора кенг миқёсда ўтказилиб келаётган снёсат империализмнинг агрессив йўлига путур етказди.

Ҳозирги вақтда жаҳонда, халқаро вазиятда жиддий ўзгаришлар юз бермоқда. Турли ижтимоий тузумдаги мамлакатлар ўртасида маданий, иқтисодий ҳамкорлик, ўзаро алоқалар кучайиб бормоқда. Халқлар янги уруш олови алангаланишини истамайдилар. Империалистларнинг уруш оловини ёқиш, ядро қуролини қўлланиш, зўр бериб қуролланиш снёсатларига қарши, Вьетнамдаги урушга қарши қатъий кураш олиб бормоқдалар. Совет Иттифоқи бошлиқ социалистик лагерь кучларининг, жаҳондаги коммунистик ва ишчи партияларининг бригадаликдаги ҳаракатлари, урушга қарши, тинчлик, миллий-озодлик ва социализм учун кураш йўлидаги снёсати тараққийпарвар инсоният томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Европа коммунистик ва ишчи партияларининг Карловы Варидаги конференцияси Баёнотида бундай дейилади: «Тарихий пайт мардлик ва ташаббускорликни талаб қилади. Биз барча холис ниятли кишиларнинг снёсий эътиқодларидан ва қайси партияга, миллатга, динга мансуб бўлишларидан қатъий назар уларга мурожаат қилиб, муштарак мақсадимиз бўлган тинчликка эришмоқ учун ўзларининг бутун нуфузларидан фойдаланишга ва ўзларининг бутун куч-ғайратларини сарфлашга чақираётирмиз. Бир-биримиздан ажратиб турган нарсаларни бартараф қилиб, биз уруш устидан ва эртанги кунга умидсизлик устидан тантана қилаоладиган, мустаҳкам тинчликка ва халқлар моддий фаровонлигига йўл очиб бера оладиган қудратли куч вужудга келтира оламиз».

Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни, барча мамлакат ишчилар синфининг бирлик ва қардошлик куни 1 Май арафасида социалистик мамлакатларининг халқларига, миллий-озодлик учун курашаётган халқларга қардошлик саломи йўллаймиз.

Жаҳон бўйлаб 1 Май тароналари кезмоқда. Бу тантана, байрам ва шоди-ҳуррамлик социализм мамлакати халқларининг меҳнат, ижод, кураш ва яратувчилик, буюк зафар ва ғалабаларининг тантанаси. Тинчлик, озодлик ва мустақиллик учун курашаётган кишиларнинг байрами ва тантанаси.

Яшасин 1 Май! Байрам муборак, азиз ўртоқлар!

## КОНЧИЛАР ШАҲРИ — ЭЛЛИК ЙИЛЛИККА

✦ Шаҳар саноат ходимлари юбилей йилида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш давлат планини муддатидан илгари — 28 декабргача бажариш ва қўшимча кам деганда 1 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашга аҳд қилдилар.

✦ Улуғ Октябрнинг 50 йиллигигача пландагидан ташқари 50 минг тонна «қора олтин» қазиб чиқарилади. Йил давомида эса белгиланганига қараганда 10 минг киловатт-соат электр қуввати кўп ҳосил қилинади, қурилишларга қўшимча 500 минг дона ғишт, 500 тонна цемент, 500 кубометр йиғма темир-бетон, 1000 квадрат метр метлах плиталари етказиб берилади.


✦ Юбилей йилида шаҳарда умумий майдони 40 минг квадрат метр сатҳга яқин уй-жойлар фойдаланишга топширилади.

*Кўмир саноати ходимлари! Кўмир қазиб чиқаришни кўпайтирингиз, унинг таннархини пасайтирингиз! Кончилик техникасидан яхшироқ фойдаланингиз!*

КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан



● 9-шахтада ўз касбини пухта эгаллаган ажойиб кончилар меҳнат қилмоқда. Турғун Ҳасанов уларнинг бири. Донгдор навлоотбойчининг кўп йиллик самарали меҳнати муносиб тақдирланди. Унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берилди. Суратда: донгдор шахтёр, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Т. Ҳасанов.



● Шарқий Қурама геология-қидирув экспедициясининг ўртоқ И. Горбунов раҳбарлигидаги проходкачилар бригадаси юбилей олди меҳнат вахтасида туриб ишлаяпти. Бригада аъзолари норманн муттасил 150 процентга етказиб бажармоқдалар. Суратда: бригада бошлиғи И. Горбунов (ўнгда) ва проходкачи Н. Кушев ўртоқлар.

Қ. Розиқов фотолари. (ЎзТАГ фотохроникаси).

## ЗАФАР САТРЛАРИ

⊙ Оҳангаронликлар юбилей йилини меҳнатда катта ютуқлар билан бошланди. Дастлабки кварталдаёқ қўшимча 500 минг сўмликдан кўпроқ маҳсулот тайёрланди.

□ □ □

⊙ Кончилар биринчи кварталнн яхши якунлашди. Халқ хўжалигига топшириқдагидан ташқари 20 минг тоннага яқин кўмир етказиб бердилар.

□ □ □

⊙ Оҳангарон энергетикларининг фидокорона меҳнати туфайли планга қўшимча 23 миллион 942 минг киловатт-соат электр қуввати ишлаб чиқарилди. Шу давр ичида пландагидан ташқари 296 кубометр йиғма темир-бетон конструкциялари, 387 тонна цемент ишлаб чиқарилди.

□ □ □

⊙ Шаҳарни ободонлаштиришга 107,3 минг сўм давлат маблағи сарфланди. Йил бошидан бери 80 минг квадрат метрга яқин йўл бетонлаштирилди. 108 минг манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтказилди. 10 мингтача атиргул кўчатлари экилди. 3 минг квадрат метр гулхона ташкил этилди.

□ □ □

⊙ Биринчи кварталда пландаги 3031 квадрат метр ўрнига 7000 квадрат метрдан ортиқроқ уй-жой фойдаланишга топширилди. Юзлаб оилалар бу уйларда ҳовли тўйлари ўтказишди.

□ □ □

⊙ Шаҳарда 32 та умумий таълим мактаби ишлаб турибди. Уларда шаҳар меҳнаткашларининг минглаб фарзандлари фан асосларини ўрганмоқдалар.

□ □ □

⊙ Уч кинотеатр, ўндан ортиқ кутубхона, саттта клуб, иккита шаҳар маданият уйи оҳангаронликлар хизматида. Кўпсонли маиший хизмат кўрсатиш точкалари меҳнаткашларнинг юмушини енгил қилаяпти.

## ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ МАРРАЛАРИ

Оҳангарон улкан ва гўзал мамлакатимиз харитасида кичик бир нуқта, холос. Лекин унинг экономикада тутган ўрни анча салмоқлидир. Ўз номи билан республикамиз кочегаркаси ҳисобланади. Бу ердаги конларда қазиб чиқарилаётган «қора олтин», электр станциясида ҳосил қилинаётган қувват, турли-туман саноат тармоқларига қарашли корхоналарда тайёрланаётган маҳсулотлар республикамиз халқ хўжалиги эҳтиёжларига, халқимиз турмуш шароитининг яхшиланишига хизмат қилмоқда.

Бу кон шаҳрининг тарихи жуда қисқа. У яқиндагина оламга келди. Шаҳар деб ном олганига ҳали ўттиз йил ҳам бўлгани йўқ. Лекин ана шу қисқа муддат ичида бир вақтлар шўх ва асов Оҳангарон дарёси сувлари тошиб ётадиган, ўтиб бўлмас чакалакзор ва ботқоқликлар ўрнида замонавий шаҳар бунёд этилди. Қаҳрамон, забардаст билакли ақлл ва иноқ совет кишиларининг фидокорона меҳнати унга асос солди. Унинг кенг кўчалари, гўзал ва соя-салқин хиёбонлари, кўпқаватли ҳушқомат уйлари, ямашил сайргоҳлари кишини ўзига мафтун этади. Шаҳар тобора обод бўлмоқда, унинг ҳусни-жамоли очиляпти. Бу Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг кончилар ва энергетиклар, транспортчилар ва шаҳарнинг барча меҳнаткашлари ҳақида тинмай қилаётган ғамхўрлиги натижасидир.

Шаҳар меҳнаткашлари ана шу ғамхўрликка жавобан фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Шаҳар экономикасини юксалтиришга йўлида тиним билмаяптилар. Улар КПСС XXIII съезди тарихий қарорларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Шаҳар саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотлари коллективлари беш йиллигининг биринчи йилини муваффақиятли якунладилар. Йиллик пландагидан ташқари 145,5 минг тонна кўмир қазиб чиқарилди, 18 миллион 366 минг киловатт-соат электр қуввати ҳосил қилинди. Кўп миқдорда бинокорлик материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрланди. Меҳнат унумдорлигини ошириш топшириғи 1,6 процент знёдаси билан ado этилди. Бинокорлар ҳам самарали меҳнат қилдилар. Оҳангарон ГРЭСида 9-градирня ва 14-қозон агрегат, 4-темир-бетон буюмлари заводида янги технологик линия, қум-шағал карьери, 964 ўринли мактаб, 140 ўринли болалар боғчаси қурилди. Шаҳар меҳнаткашлари 32,2 минг квадрат метр турар-жой олдилар.

Шаҳар корхоналари, қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотлари ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан бошланган умумхалқ ҳаракатида актив иштирок этишга қарор қилдилар. Улар бу сана шарафига зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олишди.

САНОАТ БЎЙИЧА. Шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари фан-техника ютуқлари, илғор тажрибани муттасил ишлаб чиқаришга жорий қилиш, мавжуд моддий-техника воситалари ва меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланиш асосида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик давлат планини 28 декабргача бажариш ва йил охиригача бир миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашга аҳд қилдилар. Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги кунигача пландагига қўшимча халқ хўжалигига 50 минг тонна кўмир етказиб берилади. Йил давомида топшириқдагидан ташқари 10 миллион киловатт-соат электр қуввати, 500 тонна цемент, 500 минг дона ғишт, 500 кубометр йиғма темир-бетон, 1000 квадрат метр метлах плитаси, 60 тонна нон ва нон маҳсулотлари, 55 тонна ёғи олинмаган сут маҳсулотлари, 48 тонна гўшт ва колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Бунга эришиш учун кенг кўламда ташкилий-техника вий тадбирлар амалга оширилади. Деярлик барча корхоналарда ишлаб чиқариш технологияси такомиллаштирилади. Кон устини очиш разрезида йўл қурилиши тўла механизациялашади, 9-шахтада қазилган кўмирни транспортерларга ортишнинг механизация даражаси 5 процент ошади, «Тула» комплексининг ҳар ойда қазиб чиқарадиган кўмир миқдори 17 минг тоннага етказилади. Қатор иш жараёнларининг механизация даражаси 12 процент ортади.

Саноатчилар тежамкорлик юзасидан бошланган республика кўригида актив иштирок этадилар. Улар йил давомида 800 минг киловатт-соатдан кўпроқ электр қуввати, 200 тонна арматура пўлати, қурилиш коллективларн 300 минг дона ғишт, 800 тонна цемент, 250 кубометр тахта, 500 квадрат метр дераза ойнаси, 70 тонна металл тежашади. Корхоналарда тайёрланаётган маҳсулот таннархини камайтириш эвазига ками билан 300 минг сўмлик давлат маблағи иқтисод қилинади.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА. Бинокорлар қурилиш-монтаж ишлари йиллик планини 25 декабргача, Оҳангарон дарёси ўзанини ўзгартириш юзасидан гидроиншоотлар қурилиши планини 500 минг сўм ортиғи билан бажаришга қарор қилдилар.

Оҳангарон ГРЭСи Улуғ Октябрь юбилейигача тўла фойдаланишга топширилади. Унинг охирги объекти — 15-қозон-агрегат қуриб битказилади. Керамика комбинатида қурилиш-монтаж ишлари йиллик плани 5 июлгача бажариладн. 34 минг 178 квадрат метр янги уйлар қуриладн. Бундан ташқари 280 ўринли болалар боғча ва яслиси июлгача, 300 ўринли қишки кинотеатр 10 августгача, 320 ўринли мактаб биноси 10 августгача фойдаланишга топширилади.

Қурилиш объектларида оғир жараёнларни механизациялаш, кичик механизацияни жорий қилиш, меҳнатни илмий ташкил этиш йўли билан меҳнат унумдорлиги 0,1 процент ортади, қурилиш таннархи эса 0,1 процент арзонлашади. Комплекс, хўжалик ҳисоби билан ишлайдиган бригадалар сони 30 тага етказилади. Барча объектлар яхши баҳолар билан фойдаланишга топширилади. Бундан ташқари 7-автотранспорт конторасн ва 2-ихтисослашган механизация бошқармасида ошхоналар, Оҳангарон ГРЭСида бир кунлик дам олиш уйи, «Узбекуголь» комбинатида 140 ўринли боғча, 2 та 120 ўринли ётоқхона, янги ошхона ва мактаблар бунёд этилади.

Шаҳар қурилишларида тармоқ графиги тобора кенг қўлланабошланади. Керамика комбинатидаги миллий орнаментли плиталар цехи, янги шаҳарнинг 4, 5-кварталларидаги уйлар, Оҳангарон дарёси ўзанини ўзгартирувчи тунннеллар ана шу метод асосида қурилади.

ТРАНСПОРТ, АЛОҚА ВА ШАҲАР ХЎЖАЛИГИ БЎЙИЧА. Транспортчилар юк ва пассажирлар ташиш йиллик планини 25 декабргача бажариш, ҳар бир ишчи меҳнатининг унумдорлигини 3 процент ошириш, юк ташиш харажатларини бир процент, пассажирлар ташиш таннархини эса 2 процент камайтиришга аҳд қилдилар. Алоқа ташкилотлари коллективлари йиллик даромад олиш планини 27 декабргача бажариб қўшимча бир неча минг сўмлик фойда олишмоқчи.

Шаҳар хўжалигини ривожлантириш юзасидан ҳам жуда кўп ишлар қилинади. Йил давомида 1100 квартира газ олади. 10 минг квадрат метрга яқин уй-жой фонди ремонтдан чиқарилади. Мавжуд йўлларнинг 55 минг квадрат метрига асфальт ётқизилади, 67 минг квадрат метри эса бетонлаштирилади. 15 минг квадрат метр йўлка қурилади. 150 минг туп манзарали дарахт кўчатлари экиб ўстирилади. Умумий майдони 20 минг квадрат метр бўлган гулхоналар ташкил этилади.

САВДО ВА МАИШИЙ ХИЗМАТ БЎЙИЧА. Йиллик товар оборотн плани 27 декабргача бажарилади ва пландагидан ташқари юзларча минг сўмлик кенг истеъмол товарлари меҳнаткашларга сотилади. Қўшимча 4 та магазин, бир қанча ошхоналар қурилади.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш йиллик плани муддатидан барвақт ado этилади ва тайёрланаётган маҳсулот таннархини камайтириш ҳисобига анчагина маблағ тежалади. Хизмат кўрсатишнинг янги турлари — трикотаж кийимларини тўкиш ва ремонт қилиш, бақалочлик буюмларини ремонт қилиш, гравюра ишларини бажариш йўлга қўйилади.

* * *

Шуни зўр қувонч билан қайд қилиш керакки, шаҳар меҳнаткашлари Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажармоқдалар. Уларнинг биринчи кварталдаги ишлари якунлари шундан далолат бериб турибди. Барча корхоналар, қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотларида эл-юрт олдида берилган ваъданинг тўла уддасидан чиқиш учун авж олаётган социалистик мусобақа натижасида юбилей йилининг биринчи квартали ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планн 102 процент қилиб бажарилди.

Шу даврда пландагидан ташқари ўнларча минг сўмлик турли-туман саноат маҳсулотлари тайёрланди ва истеъмолчиларга етказиб берилди. Айниқса, шахтерлар самарали меҳнат қилишди. Топшириқдагидан ташқари деярлик 20 минг тонна «қора олтин» қазиб чиқардилар. Оҳангарон давлат район электростанцияси коллективининг пландагидан ташқари ҳосил қилган электр қуввати миқдори 23 миллион 942 минг киловатт-соатни ташкил этди. Бундан ташқари 300 кубометрга яқин йиғма темир-бетон конструкциялари ва деталлари, 400 тонна цемент, 454 центнер гўшт ва колбаса маҳсулотлари, 12,5 тонна сут ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

## РЕВОЛЮЦИЯ ВЕТЕРАНЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Биринчи май арафасида Узбекистон Компартияси Марказий Комитетида кекса коммунистлар билан учрашув бўлиб ўтди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов революция ветеранларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси номидан меҳнаткашларнинг халқаро байрами билан самимий қутлади. Ш. Р. Рашидов уларга сиҳат-саломатлик ва ёш авлодни совет халқининг шонли традицияларн руҳида тарбиялаш соҳасидаги ўз ижтимоий фаолиятларида уларга янги муваффақиятлар тилади.

Учрашувда Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Г. Анисимкин, Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, Е. С. Насриддинова, Р. Н. Нишонов, С. Р. Расулов, М. Т. Турсунов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. З. Мирзаахмедов, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин қатнашдилар. (ЎзТАГ).



# ЎЗБЕКИСТОН КОЧЕГАРКАСИ

## ГЕОЛОГЛАР ПОСЁЛКАСИ

✦ Қурама тоғлари ёнбағирларида янги қазилма бойликларни қидираётган геологлар учун Кўчбулоқ ва Гўшсой посёлкалари қурилган. Суратда: Гўшсой посёлкасининг умумий кўриниши.

Қ. Розиқов фотолари, (ЎзТАГ фотохроникаси).

## Сардор

Кончилар ҳақида яна бир ғамхўрлик қилинди: иш вақти қисқартирилди. Улар олти соатдан ишлайдиган бўлишди. Шахтёрларнинг ўша вақтдаги қувончи поёни йўқ эди. Ҳа, чексиз хурсанд бўладиган иш эди-да бу. Айни вақтда бу тадбир янги юмушлар ҳам пайдо қилди. Барча участкаларда қўшимча бригадалар ташкил этишни тақоза этди. Иш илгарги уч смена ўрнига тўрт сменада олиб борилиши керак эди.

Биринчи участкада ҳам янги бригада тузилди. Унга кимни раҳбар қилиб тайинлаш масаласида ҳамманинг фикри бир хил бўлиб чиқди: оддий шахтёрлардан тортиб бошлиққача ҳеч иккиланмай Мирсодиқ Фозилов номзодини маъқул кўришди. Аввалига Мирсодиқ аканинг ўзи бунга кўнмади.

— Бригадирликни эплайолмасам керак, жуда оғир вазифа мен учун, — деди участка бошлиғи Аҳмаджон Мусажонов билан суҳбатда.

— Тўғри, бригадирлик оғир иш, уни енгил демоқчи эмасмиз. Лекин сиз бемалол уддалай оласиз, — деди бошлиқ.

— Қандай бўларкин, — бўшашгандай бўлди у.

— Мирсодиқ ака, ишончим комилки сиз бу ишни ўрнига қўясиз. Ахир тажрибали шахтёрсиз-ку. Эртадан иш бошлайвермиг.

«Навалоотбойчилар бригадасига раҳбарлик қилиш осон эмас. Илгари якка ўзинг учун жавоб берардинг. Эндиликда 19-20 кишига, уларнинг ишига, хулқ-атворига, юриш-туришига ҳам жавоб берасан. Бирор шахтёр нонўя иш қилса бошингни силашмайди...» Суҳбатдан кейин шундай хаёллар билан уйга етиб келганини ҳам билмай қолди, у.

Бригадир сифатида ишлаган биринчи куниии эсласа Мирсодиқ ака ҳали ҳам мийиғида кулиб қўяди. Қанчалик қаяжонланганини сўз билан ифода этишга ожизлик қиладн. Қандай хаёлларга берилмади дм, не-не фикрлар қийнамади ўшанда, уни. Лекин иш бошланганда унинг ишончсизлигига ўрин ҳам қолмади. Бригада барча аъзоларининг сидқидилдан ишлаётганликларини кўриб, ўзида йўқ хурсанд бўлди. Шахтада ишлаб суяги қотган Леонид Загорский, Неъмат Юсупов, Абдуманнон Қўзиев, бир вақтлар Мирсодиқ ака қўлида навалоотбойчилик касбини ўрганган шогирдларидан Абдураҳмон Қуролов, Ўрол Холбоев, Пўлат Юсупов, қўйингчи бригаданинг ҳар бир аъзоси ғайрат билан меҳнат қилди.

Биринчи куниёқ топшириқ знёдаси билан адо этилди. Қўшимча 32 тонна ёқилғи қазиб чиқарилди. Бу киши бошига нормадан ташқари 1,5 тоннадан «қора олтин» қазилди демакдир! Бундай кўрсаткичга ҳамма вақт ҳам эришилавермайди.

Шундан бери бир йилдан ортиқ вақт ўтди. Уни бригадир қилиб янглишишмаган экан. Ўз касбини пухта биладиган, унн доим муқобатдас сақлайдиган, у билан фахрланадиган Мирсодиқ ака ишончни знёдаси билан оқлаяпти. Асосан, ёш навалоотбойчилардан ташкил топган бригада кўп ўтмай ўзининг аҳил ва иноқлиги, унумли ишлаши билан донг таратди. Бунда бригадирнинг хизмати катта бўлди. У барча забойларда меҳнатни пухта ташкил этди. Кончиларнинг унумли ишлаши учун қулай шароитлар яратиб беришга интилди.

Тажрибали шахтёрларга ёшларни бириктиб қўйди. Илғор иш усулларини ҳаммага ўргатишдан эримади. Шу-шу бригада номи 9-шахта «Ҳурмат тахтаси»дан тушмай қолди.

Илғор коллектив корхонада Улуғ Октябрининг 50 йиллик юбилейи шарафига бошланган социалистик мусобақанинг ташаббускорларидан бири бўлди. Бригада аъзолари токарь М. Сергеев ва тепловоз машинисти А. Маракаевларнинг бу буюк сананн шахсий совғалар билан кутиб олиш ҳақидаги ватанпарварлик чақириғига «лаббай» деб жавоб бердилар. «Ҳар сменада ҳар бир кончи ҳисобига бир тоннадан ёқилғи қазиб чиқарамиз!»,— улар ҳозир шундай шиор остида ишлашяпти. Бу азаматлар ваъдага вафо қилишмоқда. Ҳар сменада қўшимча 20-25 тоннадан ёқилғини транспортёрларга ортмоқдалар. Юбилей йилининг биринчи квартали топширнин 115 процент қилиб бажардилар. Пландагидан ташқари 1300 тоннага яқин «қора олтин» қазидилар.

Донгдор бригадир салкам чорак асрдан бери шу ерда ишлайди. Ёр остида эътиноб ётган ажойиб бойликни халққа хизмат қилдиришга ҳисса қўшяпти. Шу йиллар ичида унинг забардаст билакларн билан қазиб чиқарилган кўмир миқдори 30 минг тоннадан ошиб кетди.

— Шахтага биринчи бор келганим ҳали ҳам кечагидек эсимда,— дейди у, — аввалига жуда қийин бўлди. Ҳамма иш қўлда бажарилардн-да. Норма бор-йўғи 4,5 тонна бўлса ҳам кўпинча бажара олмасдик.

— Эндичи!

— Ҳозирги ишни илгаригисига ҳеч таққослаб бўлмайди, — қандайдир ички ғаяжон билан гапирди у. — Ҳа, ҳеч солиштириш мумкин эмас. Тамомила бошқача бўлиб кетди: бекнёс енгилпашди. Норма 11 минг 310 килограмм бўлишига қарамай унн бажарши ўн чандон ўнгай. Чунки жуда кўп операцияларни машиналар бажармоқда. Кўмир портлатилганда унинг ярми тўғри транспортёр лентасига тушиб бункер томон оқиб кетади. Вагонеткалар ўрнига транспортёр ишлаяпти. Отбой болғаси музей экспонати бўлиб қолди, унинг ишини парма бажаряпти. Ёғоч мустаҳкамлагичлар ўрнига пўлатлари ўрнатилмоқда. Иш ўнғайлашган сари маошимиз ортмоқда.

Эндиликда шахтёрлар меҳнати ҳам завқли-шавқли бўлиб қолди. Бир замонлардаги оғир, кўп жисмоний куч талаб қилпадиган касбдан асар ҳам қолмади. Шуларнинг ҳаммаси ишчилар илғор отрядн ҳисобланган шахтёрлар оғирини енгил, турмушини фаровон этиш учун мамлакатимизда қилинаётган гамхўрлик натижасидир. Бунга жавобан ҳар бир шахтёр самарали меҳнат қиляпти. Кончилар Улуғ Октябрининг 50 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида турнб, ғалаба кетидан ғалаба қучмоқдалар.

Корхонанинг биринчи, учинчи ва олтинчи участкаларн коллективларн юбилей йили мусобақасида пешқадамлик қилмоқдалар. Улар шу йилнинг тўрт ойлик кўмир қазиб чиқариш планини ортиғи билан адо этдилар. Қўшимча 10 минг тоннадан кўпроқ ёқилғини истеъмолчиларга жўнатишди. Маҳсулот таннархини камайтириш ҳисобига 9600 сўмлик давлат маблағини тежаб қолишди. Бунга шахтанинг А. Шуваев, Э. Асанов, Ли-Дук-Сон, Е. Мужечков ўртоқлар бошчилигидаги бригадалари ҳам катта ҳисса қўшишди.

Шахта коллективи юбилей йилини яхши бошлади. Шахтёрларнинг шу кунлардаги баракали меҳнати Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги шарафига олинган мажбуриятнинг тўла бажарилишига шак-шубҳа қолдирмайди. Бу олижаноб мақсад йўлида уларга катта муваффақиятлар тилаймиз.

М. МИРҲАМИДОВ.

## ШАРАФЛИ БУРЧ

Разрезимиз мамлакатимиз кўмир саноатининг йирик корхоналаридан ҳисобланади. Унда ҳар йили миллион-миллион тонналаб «қора олтин» қазиб чиқарилаяпти. Қудратли механизмлар ёрдамида қазиб вагонларга ортилаётган ёқилғи эшелон-эшелон бўлиб республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларига томон йўл олмоқда. Халқ хўжалигининг кўмирга эҳтиёжи ҳамон ортиб боряпти.

Шунинг учун ҳам ёқилғи қазиб чиқаришни кўпайтиришга имкон берадиган резервларни қидириб топяпмиз ва ишга соляпмиз. Барча участкалар хўжалик ҳисобига ўтказилди. Ишлаб чиқаришни планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтишга тайёргарлик кўряпмиз. Ишлаб чиқариш маданияти ошмоқда, саноат эстетикаси жорий қилинаяпти. Кончиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш тобора яхшиланмоқда. Шахтёрлар оилалари тобора кўпроқ уй-жой билан таъминланмоқда.

Сменада ишлаётган барча кончилар иссиқ таом билан таъминланадиган бўлиб қолди. Бунинг учун ошхона қурилди. Ҳозирги вақтда эса яна юз ўринли ошхона қурилмоқда. Кончилар фарзандлари учун болалар муассасаларн қуришга эътибор кучайтирилди. 220 ўринли болалар комбинати яқин ойларда гўдакларнн ўз бағрига олади.

Разрез посёлкасини ободонлаштириш юзасидан ҳам кўпгина ишлар қилиняпти. У ерда чўмилиш ҳавзаси қурилди. Болалар майдончалари усиуналанди. 80 ўринли интернат фойдаланишга топширилди. Медицина пункти кенгайтирилди. Фатарий ишга туширилди. Бу ерда кончилар сунъий қуёш нури оладилар.

Кончилар ҳақидаги бундай ғамхўрлик ҳаммамизни самарали ишлашга руҳлантиряпти. Барча участкалар коллективлари Улуғ Октябрининг 50 йиллиги юбилейини муносиб нутиб олиш юзасидан зиммаларига олган юксак мажбуриятларини шараф билан бажармоқдалар. Биринчи кварталда пландан ташқари 10,5 минг тонна кўмир қазиб чиқаришга аҳд қилган эдик. Амалда эса 19 минг тонна ёқилғи истеъмолчиларга юборилди. Шу давр ичида мажбуриятдаги 24 минг сўм ўрнига 156,9 минг сўм қўшимча фойда олинди. Кўмир қазиб чиқариш таннархини камайтириш ҳисобига 42,1 минг сўм давлат маблағини тежаб қолдик. Кўмирнинг кулилиги 0,51 процент намайди.

Коллективимиз эришган бу ютуқларга бизнинг коммунистик меҳнат бригадамиз зинсаваторчилари, Р. Ҳасанова бошлиқ йўл қурилиш бригадаси, И. Федотов бошчилигидаги монтажчилар бригадалари муносиб ҳисса қўшдилар. Илғорлар биринчи квартал топширигини 130 процентга етказиб бажаришди. Коллективимиз қўлга киритилган бу ютуқларни янада мустаҳкамлаш ва буюк санага катта тортиқлар билан нелиш мақсадида бундан буён ҳам самарали меҳнат қилаверадилар.

Т. АЛИҚУЛОВ,
кўмир разрези коммунистик меҳнат бригадаси раҳбари, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати.



Абдураҳмон Маматов 9-шахтада пландан йигирма йилдан бери ишлайди. Утган йили у раҳбарлик қилган бригада қўшимча 3 минг тонна кўмир қазиб чиқарган эди. Бу йил эса 3,5 минг тонна кўмир қазиб чиқариш мажбуриятини олган. Суратда: ўртоқ А. Маматов забойда.

## НУР ОҚИМИ

Бир неча йилдирки, станциямиз агрегатлари бир меёрда ҳаракатда. Ҳосил қилинаётган ҳаётбахш оқим — электр қуввати республикамиздаги ўнлаб завод ва фабрикалар машиналарини ҳаракатга келтирмоқда, хонадонлар уйини чароғон қиляпти, турмишимизни кундузгидек ёритмоқда.

Улуғ Октябрининг ярим асрлик юбилейи шарафига олинган мажбуриятларни бажариш учун ГРЭСимизнинг барча объектлари тўла қўлдан чиқади. Охирги агрегатлари ишга туширилади. Шундан сўнг у лойиҳадаги қувват бўйича энергия ҳосил қилабошлайди. Энергетикларимиз станциянинг ишга тушган қувватларидан унумли фойдаланмоқдалар. Улуғ айём шарафига олинган юксак социалистик мажбуриятларни тўла бажариш учун ички резервларни ишга солмоқдалар. Шу туфайли ҳам қувват ҳосил қилиш топшириқларн ой сайин ортиғи билан адо этиляпти.

Энергетикларимиз юбилей йилида пландан ташқари 10 миллион киловатт-соат электр қуввати ишлаб чиқаришга ваъда беришган эдн. Бу ваъда биринчи квартал-даёқ знёдаси билан адо этилди. Мавжуд асбоб-ускуналардан унумли фойдаланиш туфайли квартал плани муддатидан анча илгари адо этилди ва қўшимча деярлик 25 миллион киловатт-соат электр қуввати ҳосил қилинди.

Ишлаб чиқаришнинг бошқа техника-иқтисодий кўрсаткичлари ҳам анча ошди. Ҳосил қилинаётган энергия таннархини арзонлаштиришдан 127 минг сўмлик фойда кўрдик. 122 тонна шартли ёқилғи тежаб қолинди. Электростанция эҳтиёжлари учун сарфланадиган қувватнинг 3311 киловатн иқтисод қилинди.

Станциянинг турбина, ёқилғи-транспорт, ремонт-қурилиш цехлари коллективлари Улуғ Октябрь шарафига бошланган мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар. Слесарь Бродецкий, турбина машинисти Легкопудов, дурадгор Куртаметов, смена бошлиғи Саримсоқов, турбина машинисти Эргашев ўртоқларнинг меҳнатидан коллективимиз жуда миннатдор. Ўз вазифасини сидқидилдан бажараётган бу илғорларимиз самарали меҳнат қилиб, коллективнинг бошқа аъзоларини ҳам ишда муваффақиятларга руҳлантирмоқдалар.

**М. БОБОРАҲИМОВ,**
**Оҳангарон ГРЭСининг мастери.**

## ВАЪДАГА ВАФО ҚИЛАМИЗ

Мамлакатимиздаги барча меҳнаткашлар қатори трестимиз коллективи ҳам Улуғ Октябрнинг 50 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш иштиёқида астойдил меҳнат қилмоқда. Буюк сана шарафига юксак мажбуриятлар олиб ишляпмиз. Йиллик қурилиш-монтаж ишлари планини муддатидан илгари — 25 декабргача бажаришга аҳд қилганмиз. Шу давр мобайнида 26,7 миллион сўмлик иш бажармоқчимиз.

Ваъдага вафо қилиш мардниng иши. Сўз бериб унинг уддасидан чиқмаслик совет кишисига ёт. Шунинг учун ҳам бинокорларимиз эл-юрт олдида берилган ваъданинг тўла уддасидан чиқиш, улуғ айёмга ёруғ юз билан келишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Барча бошқарма ва участкаларда ўзаро мусобақа авж олиб кетди. Илғор иш тажрибалари кенг жорнй қилинмоқда. Қурилиш технологияси такомиллаштирилияпти. Хўжалик ҳисоби асосида ишлайдиган ва комплекс бригадалар ғафи кенгаймоқда. Иш жараёнлари тинмай механизациялашяпти. Натижада қурилиш суръати тезлашиб, сифати яхшиланяпти.

Юбилей йилининг биринчи квартали якунланди. Бош пудрат ишлари плани 103 процент қилиб адо этилди. Айниқса, уй-жой қурилиши анча ортиғи билан бажарилди. Топшириқдаги 3031 квадрат метр ўрнига 7040 квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди. Қурилиш харажатларини камайтириб 100 минг сўмлик фойда олдик. Бунинг 17 минг сўми пландагига қўшимчадир.

Трестимизга қарашли деярли барча қурилиш бошқармалари коллективлари зиммаларидаги вазифани муваффақиятли бажаряпдалар. 3-бошқарма коллективи социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқда. У биринчи квартал планини 109 процент қилиб адо этди. 6-қурилиш бошқармаси, кўчма механизация колоннаси, 2- тунель отряди, 121- қурилиш-монтаж поезди коллективлари ҳам пешқадамлардан қолишмай меҳнат қилмоқдалар.

Ҳали коллективимиз олдида жуда катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Ҳар бир бинокор, ҳар бир инженер-техник ҳодим ана шу вазифаларни муваффақиятли бажаришга муносиб ҳисса қўшиш учун бундан буён ҳам фидокорона меҳнат қиладн. Улуғ Октябрнинг ярим асрлик юбилейи ҳаммани шунга ундайди.

Д. ГОРЕЛОВА,
«Узбекшахтострой» трести план бўлими бошлиғи.

## ЭЛ ХИЗМАТИДА

Шаҳримиз йилдан-йилга кенгаймоқда. Саноат объектлари, уй-жойлар, маданий-маиший муассасалар тобора кўпаиб қурилмоқда. Янги-янги посёлкалар, кўчалар, ҳашаматли бинолар бирин-кетин қад кўтаряпти. Ўз навбатида аҳоли сони ҳам ортмоқда. Конлар ва қурилишларда, электростанция, транспорт ташкилотлари ва бошқа корхоналарда, фидокорона меҳнат қилиб, шаҳримиз экономикасини юксалтириш, жамолини очишга муносиб ҳисса қўшаётган бу меҳнаткашларнинг моддий-маданий турмуш шароитини ҳар томонлама яхшилаш ҳақида катта ғамхўрлик қилинмоқда.

Шаҳарда маданий-маиший хизмат кўрсатувчи муассасалар мутгасил кўпаймоқда. Ҳозир бу ерда ўнга яқин клуб бор. Улар меҳнаткашларнинг маданий ҳордиқ чиқариш ўчоқлари бўлиб қолган.

Халқ маорифи равнақ топаяпти. Барча посёлкаларда ўрта ва тўликсиз ўрта мактаблар ишлаб турибди. Умумий таълим ўқув юртларининг сони 32 тага етди. Буларда шаҳар меҳнаткашларининг ўнларча минг фарзандлари фан асосларини ўрганмоқдалар. Бундан ташқари, техника билим юртида юзлаб ёшлар кўмир саноати корхоналарида ишлаш учун турли кончилик касбларини эгалламоқдалар. Қурилиш ташкилотларига кадрлар етказиб бераётган бинокорлик билим юртини ҳар йили ўнлаб йигит-қизлар битириб чиқмоқдалар. Кўплаб кончилар кон-геология техникуми, Тошкент политехника институтининг бу ерда ташкил этилган бўлимида маълумот олмоқдалар.

Корхоналар ва муассасаларда жуда кўп кутубхоналар ташкил этилган. Уларнинг сони ўнтадан ошиқ. 319 минг китоб фонди бўлган бу кутубхоналар ўқувчиларининг сони ўнларча минг кишини ташкил этади. Шаҳардаги ҳар бир оиланинг жуда бўлмаганда бир аъзоси кутубхона хизматидан фойдаланмоқда. Шаҳар кутубхоначилари оилаларни жалб қилиш жиҳатидан областдагина эмас, балки республикада ҳам биринчи ўринда туришади.

Меҳнаткашлар ўртасида спорт ва физкультурага қизиқишни ошириш борасида ҳам анчагина ишлар қилинмоқда. Спорт иншоотлари кўпайяпти. 5 та комплекс спорт майдони, стадион, 27 баскетбол, 41 та волейбол майдончалари, 13 та спорт зали ҳар доим физкультура ишқибозлари билан гавжум. 2 та чўмилиш ҳавзаси, болалар спорт мактабида юзлаб ёшлар ўзлари севган спорт турларини ўрганмоқдалар.

Кончилар ва энергетиклар, бинокорлар ва транспортчилар, алоқачилар ва геологларга маиший хизмат кўрсатиш тобора яхшиланмоқда. 60 дан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш точкалари оилалар юмушини енгиллаштиряпти. 9 касалхона, 40 дан ортиқ каттакичик шифохоналар, 7 та дорихона шаҳар меҳнаткашларининг саломатлиги учун хизмат қилмоқда.

Бундан буён ҳам шаҳар меҳнаткашларига маданий-маиший, медицина хизмати кўрсатиш яхшиланиб боради. Халқ маорифи янада юксалади. Янги беш йиллик планда ана шу соҳалар бўйича жуда кўп тадбирлар амалга оширилади.

И. АҲМЕДОВ,
шаҳар Совети ижроия комитетининг ходими.



Кўмир разрези коллективи бу йил юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқда. Экскаватор машинисти Валентин Лазарев кончилар эришаётган ютуқларга муносиб ҳисса қўшаётир. У раҳбарлик қилаётган бригада юбилей йилининг ўтган ойларида қўшимча 30 минг тоннадан кўпроқ «қора олтин» қазиб чиқарди. Суратда: ўртоқ В. Лазарев.



Шахтёр посёлкасидаги 103-ўрта мактабда кончиларнинг 600 га яқин фарзанди таълим олмоқда. Суратда: ўқитувчи Каромат Исае ва 7-синфда машғулот олиб бораяпти.



Калинин районидаги «Қорасув» совхозининг Абдураҳим Шерматов бошлиқ бригадасида эртаги карам пишиб етилмоқда. СУРАТДА: бригадир А. Шерматов ҳосилни кўздан кечираётир.
Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

# БАЙРАМ ДАСТУРХОНИГА

Ҳамма байрам тараддудида. Ишчи ҳам, деҳқон ҳам, зиёли ҳам баҳор байрамини муносиб совға билан кутиб олиш ҳаракатида. Эртага тонг байрам либосини кийиб жамол очади. Кўчалар, хонадонларда ўйин-кулги, чеҳраларда табассум барқ уради. Баҳор гуллари ҳар бир хонадон учун азиз меҳмонларнинг поёндози.

Меҳнатсевар деҳқонларим ва шаҳарлик биродарларнинг байрам дастурхонини обод қилиш, чиройли безатиш учун ҳаракатни қиш фаслида бошлаган эдилар. Парник ва теплицаларга экилган бодринг, помидор, редиска, пиёз ва бошқа резавор экинлар маҳсулоти бугунги кунда колхоз дўконларини ва бозорларида кўплаб сотилаяпти.

Байрам арафасида қишлоқ меҳнаткашлари ҳаракатни янада кучайтиришди. Редиска ва пиёз пайкалларида иш жадал. Бригада, звеноларнинг аъзолари тўхтовсиз келиб турган машиналарга ўзлари етиштирган маҳсулотларни жойлаб пешма-пеш шаҳарга жўнатиб туришибди.

Тошкент шаҳар атрофидаги колхозларнинг теплица хўжаликларида айни пишиқчилик. Юқорига бўй чўзган бодринг ва помидор палакларида ҳосил шиғил. Уларни меҳнат қўллар терб яшикларга жойлайдилар.

Куни кеча Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг бухгалтери Неъматжон Эрматов билан гаплашдик. У фидокор, саҳий деҳқонлар етиштирган ва шаҳарга жўнатилаётган маҳсулотларнинг тоннасини ҳисоблаб берди.

— Ҳозиргача икки тоннага яқин бодринг сотилди. Бугун 10 тонна редиска, 20 тоннадан ортиқ кўкпиёз байрам дастурхонига юборилди. Эртаги экинлар ҳосили бирин-кетин пишиб етилмоқда. Колхозимиз сабзавотчилари ва боғбонлари бу йил Совет ҳокимиятининг 50 йиллик тўйи нишонланадиган юбилей йилида Чирчиқ ва Тошкент меҳнаткашларига, пойтахтимизнинг азамат қурувчилари бўлган кардош бинокорларимизга кўплаб картошка, сабзавот, мевачева, қулупнай совға қиладилар.

Калинин районидаги «Қорасув» совхозининг миришкорлари ҳам шу кунларда байрамга муносиб совғалар тайёрлаш учун астойдил ишламоқдалар. Улар бу йил 7 минг тонна сабзавот, 500 тонна картошка, 590 тонна сут, 140 тонна гўшт етказиб беришга сўз берганлар. Ана шу мажбуриятларни шараф билан бажариш мақсадида КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан илҳомланиб зўр ҳаракат қилинмоқда. Эртаги экинлар парвариши ҳар тарафлама кучайтирилди. Карамлар тез ўровга кириб ҳосили пишай деб қолди.

Шунингдек райондаги генерал Собир Раҳимов номли, «Ленин йўли», Карл Маркс номли, «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» ва бошқа қатор хўжаликларда эртаги экинларнинг дастлабки ҳосили шаҳарга жўнатилганига анча кун бўлди. Бу хўжаликларнинг аъзолари шу кунгача ўнлаб тонна кўк пиёз ва редиска сотдилар.

Меҳнаткашларнинг байрам дастурхонига деҳқончилик маҳсулотларини етказиб беришда Янгийўл районидаги Свердлов номли, Калинин номли, Ленин номли, Урта Чирчиқ районидаги «Партия XXII съезди» колхозлари, Бекободдаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг меҳнатсевар кишилари алоҳида ғайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Янгийўл районидаги бир қатор колхозлар асосан пахтачилик билан шуғуллансалар ҳам, лекин улар кўпгина ерларида сабзавот экинлари маҳсулотлари етиштирадилар. Улар деҳқончиликнинг ана шу икки муҳим соҳасини ҳам бир хилда ривожлантириш учун зарур бўлган ҳамма тадбирларни ўз вақтида амалга оширмоқдалар.

Шаҳарларимиз, қишлоқларимиз ҳозирданоқ байрам либосида. Ҳар бир киши дўстини, қўшнисини байрам арафасида табриклайди. Унга сиҳат-саломатлик тилайди. Эртага байрам тантаналарида ишчи ҳам, деҳқон ҳам, зиёли ҳам янада янги ғалабаларни қўлга киритиш иштиёқида юбилей байроғини баланд кўтариб намойишга чиқади. Ана шу намойишда Тошкент деҳқонлари шаҳар меҳнаткашларига мурожаат қилиб:

— «Байрамингиз муборак бўлсин, биз сизларни ҳамма вақт ўзимиз етиштирган маҳсулотлар билан етарли миқдорда таъминлашга сўз берамиз!» деб дадил айтадилар.

М. САЛИМОВ.

# ХАРИДОР ТАЛАБИ—МЕЗОН

Районимизда озиқ-овқат маҳсулотлари билан маданий савдо хизмати кўрсатадиган ташкилотнинг тузилганига мана тўрт йил тўлди. Ана шу муддат ичида коллективимиз маданий-маиший турмуш шароити тобора юксалиб бораётган талабчан халқимизга ҳартомонлама юксак маданий савдо хизмати кўрсатиш йўлида бир қатор ютуқларни қўлга киритди. Савдо ташкилотимиз биринчи бор ишга тушган 1963 йилда районда 117 та савдо точкаси ишлаган бўлса мана бугун, 1-Май арафасида 160 га яқин савдо тармоғи уларга ҳартомонлама юксак ва маданий хизмат кўрсатиб турибди. Бошқача қилиб айтганда 1963 йилда «Пишчеторг» товар оборотн плани 21 миллион сўм қилиб белгиланган бўлса, юбилей йилида бизнинг олдимизда аҳолига 38 миллион 200 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришдек масъулиятли вазифа турибди.

Хўш, коллективимиз ана шу юксак ва шарафли вазифани тўлатўкис адо этиш ва юбилейни муносиб кутиб олиш учун нималар қилиши керак? Бу ҳақда гап кетганда аввало шуни айтиш керакки, харидорнинг кундалик талаб ва эҳтиёжи ҳар бир савдо ходимининг хизматига берилган баҳодир. Прилавка орқасида туриб харидор хизматига ҳозир бўлиб турган ҳар бир савдо ходими истеъмолчининг истак ва талабларини ҳисобга олиб бориши, у талаб қилган ҳар бир маҳсулотнинг доимо магазинда бўлишини таъминлаши, хушмуомалалик билан хизмат кўрсатиши лозим. Ана шундагина магазинга бир марта кирган харидор доимий шу ердан харид қилади, хушмуомала сотувчи хизматидан мамнун бўлади.

Харидорга юксак маданий савдо хизмати кўрсатиш ана шу савдо точкаси коллективининг шаънига ҳам, унинг товар оборотн планининг бажарилишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Бизда аҳолига юксак маданий савдо хизмати кўрсатиб, уларнинг ҳурмат ва эҳтиромига сазовор бўлаётган коллективлар оз эмас.

Масалан, ўтган йили 179 савдо ходимини ўз сафига бирлаштирган 28 та бригада коммунистик меҳнат коллективи деган номни олиш учун мусобақага қўшилишган эди. Шулардан 7 та бригада ана шу юксак фахрли номга эга бўлди. 62 савдо ходимига эса коммунистик меҳнат зарбдори деган фахрли ном берилди. Жумладан 17-магазин коллективи коммунистик меҳнат бригадаси деган фахрли номни бир неча йиллардан буён сақлаб келмоқда.

Лекин бундан районда савдо хизмати кўрсатиш юксак дидли ва талабчан халқимиз эҳтиёжлари даражасида ташкил этилган, деган хулоса келиб чиқмайди. Биз ана шу талаб ва истакларни ҳисобга олиб, аҳолининг юбилей йилидаги дастурхонини янада кўркамроқ қилиб безатиш мақсадида савдо хизмати кўрсатишнинг янги-янги прогрессив формаларини жорий қилиш билан бирга янги савдо объектлари қуришдек амалий тадбирларни белгилаб олдик.

Улуғ Октябрнинг шонли 50 йиллик юбилейига қизғин тайёргарлик кўрилаётган шу кунларда коллективимиз бир қатор савдо точкаларини жумладан Қоратош кўчасидаги 36, Бешёғоч колхоз бозоридаги 20, Дўмбиробод кўчасидаги 3, Волгоград кўчасидаги 13- ҳамда 24-савдо магазинларини капитал ремонтдан чиқариш, шунингдек қардош Озарбайжон, Прибалтиканинг қурувчилар яшаётган шаҳарчаларидаги эски савдо палаткалари ва киоскалари ўрнига «Ветерок» павильонлари ўрнатиб берилади. Шу билан бирга Муқимий, Қурилиш, Қатортол, Қозирабод кўчаларида савдо хизмати кўрсатаётган 49, 50, 51, 52-магазинларда байрамгача газ чироқлари билан ёритиладиган реклamалар ўрнатилди. 3, 7, 10, 17, 19, 31, 48-магазинлардаги мавжуд газ чироқлари эса қайта ремонтдан чиқарилди. 24, 32, 36, 20 ва бошқа қатор магазинлардаги эскириб қолган холодильник ҳамда савдо-техника ускуналари бошқа янгилари билан алмаштирилди. Бундан ташқари «Торг» эмблемасининг акси туширилган бадиий пакетлар ҳамда энг яхши савдо корхоналари тажрибасини кўрсатиб берувчи фотоальбомлар ташкил этилди.

Шунингдек байрам арафаси кунларида 13, 48, 49, 50 ва бир қатор магазин ходимлари, махсус санитария кийимлари билан таъминланди. Илгор савдо ходимларининг бой тажрибаларини оммалаштириш мақсадида вақти-вақти билан семинарлар ўтказилади. «Торг»га қарашли қарийб 20 га яқин савдо магазинлари коллективи ўртасида «Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги» номли бригадаси деган фахрли номни олиш учун социалистик мусобақа кенг қулоч ёйдирилади.

Коллективимиз 1966 йилнинг III кварталида яхши ишлагани — давлат планлари ҳамма кўрсаткичлари бўйича муваффақиятли бажарилгани учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзларининг кўчма Қизил байроғи ҳамда биринчи даражали пул мукофотини олишга муяссар бўлди.

Биз бу эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаб меҳнаткашларга ҳамма вақт маданий хизмат кўрсатамиз. Майолди социалистик мусобақасини кучайтириб, биринчи квартал планини анча оширо адо этдик. Ўтган йилнинг биринчи кварталига қараганда аҳолига 3 миллион 700 минг сўмлик озиқ-овқат моллари кўп сотилди. Коллективимиз 4 ойлик планни 20 апрелдаёқ 105 процент қилиб адо этган эди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг умумий овқатланиш тармоқларининг ишини янада яхшилаш юзасидан чиқарган қарори ва байрамолди Чақириқларидан ғоят руҳланган коллективимиз коммунизмнинг моддий-техника базасини яратаётган меҳнаткашларга бундан кейин ҳам юксак ва маданий савдо хизмати кўрсатади ва шонли Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини тўйини муносиб нишонлаш билан бирга харидорларнинг байрам дастурхонини янада гўзал қилиб безаш ишига ҳисса қўшади.

П. ПОНОМАРЕВ,
Чилонзор район «Пишчеторг»нинг директори.

# Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

## МАНОЛИС ГЛЕЗОС ОЗОД ҚИЛИНСИН!

МОСКВА, 28 апрель. (ТАСС). Халқ қаҳрамони, атоқли грек жамоат арбоби Манолис Глезосдан ўч олишга тайёргарлик кўрилаётганлигига қарши бугун Грециянинг элчихонаси биноси ёнида кўп кишилик намойиш бўлди.

Намойишчилар ўзларн ёзган: «Қаҳрамондан ўч олинишига йўл қўйилмасин!», «Фашизмга қарши курашчи озод қилинсин!», «Биз Глезоснинг озод этилишини талаб қиламиз!», «Йўқолсин ҳарбий хунта!» деган шиорларни кўтариб келишган.

Тўпланганлар муштларини баланд кўтариб: Фашизмга йўл берилмайди! — деб қайта-қайта хитоб қилдилар.

Ўз-ўзидан митинг бошланиб кетди. Сомали, Кипр ва бошқа мамлакатлардан келган йигитлар нутқ сўзлайдилар. Ҳаяжонли оташин нутқларда Грецияда ҳарбий диктатурани ҳокимият тепасига чиқариб қўйган империалистлар қаҳр-газаб билан қораланди. Нотиқлар минглаб ватанпарварларнинг турмага ташланганлигини айтадилар. Грециянинг энг асл фарзандларидан ўч олишга тайёргарлик кўрилмоқда. Улар орасида қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг қаҳрамони, Афина акрополидан фашистлар байрогини олиб ташлаган Манолис Глезос ҳам бор.

Ёшлар Глезосни озод қилиш тўғрисидаги талабномани грек дипломатларига топширмоқчи эди, лекин уларнинг вакиллари буни қабул қилмади.

Қаҳр-газаб тўла сўзлар қайта-қайта янграйди. Ёшлар: Манолис Глезос озод қилиниши керак! — деб қаттиқ талаб қиладилар. (ТАСС).

### ФАШИЗМГА ЙЎЛ БЕРИЛМАСИН! ГРЕЦИЯ ЭЛЧИХОНАСИ БИНОСИ ЁНИДА НАМОЙИШ

### ГРЕЦИЯДА ТЕРРОР

НЬЮ-ЙОРК, 28 апрель. (ТАСС). Бельгиядаги «Суар» газетасида бугун босилган хабарда Қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг қаҳрамони ва «Марказ иттифоқи» партиясидан парламентга сайланган депутат грек генерали Кацотас қамоққа олиш вақтида ўлдирилганлигини хабар қилинади. АП агентлигининг Брюсселдан берган хабарига қараганда, ўша газета ЭДА партиясининг аъзоларидан етти киши Салоникида қатл этилганлигини ёзган.

## „ЭКСПО—67“ ЭШИКЛАРИ ОЧИЛДИ

МОНРЕАЛЬ, (ТАСС мухбирлари) **В. Михайлов ва А. Стародуб** хабар берадилар:

Монреалдаги жаҳон выставкасида энг кўп—62 мамлакат қатнашмоқда (илгари Брюсселда ўтказилган жаҳон выставкасида 45 мамлакат қатнашган эди). 400 гектар ерни эгаллаган выставка майдонида 70 та павильон қурилди. Бу павильонларни юзаки кўриб чиқишнинг ўзи учун камида бир ҳафта вақт керак бўлади. «Экспо—67»га бутун дунёда қизиқиш шу қадар каттаки, бу ерда ҳозир 90 мамлакатдан 15 мингга яқин журналист келиб, рўйхатдан ўтди. Ҳозирча 10 минг журналист павильонларни айланиб юриб, газеталар, радио ва телевидение учун ёзилган репортажга материал тўпламоқда.

СССР павильони— выставкадаги энг катта павильонларнинг бири. Ҳамма унинг экспозициялари жуда кўп деб айтмоқда. «Экспо-67» нинг шиори — «Одамларнинг ери». Бизнинг совет павильонимиз бу шиорнинг маъносини тағин ҳам аниқроқ қилиб ифодалаб берди, деса бўлади. «Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун»—бу сўзлар павильон олдида турган «Ўроқ» билан болға» кумушранг хайкаллар композициясининг қирраларидан бирида аниқ кўзга ташланиб турибди. Шу ёзувнинг ёнига ўйилган 1917—1967 деган рақамлар совет турмушимизнинг бу принципи қачон ўрнатила бошлаганлигини ва ўрнатилиб бўлганлигини яққол кўрсатиб турибди. Оқ экскалатор билан павильонга чиққан киши, бу принципнинг аён моддий ифодасини дарров кўради.

«Атом тинчлик учун» секцияси совет синхрофазотронлари, уран ва нейтронли реакторлар билан, шу жумладан Нововоронежск атом электростанциясининг реактори билан, ҳар хил аппаратлар билан таништиради. Иккинчи қаватнинг қоқ ўртасида юриб томоша қилинадиган баландроқ йўлканинг икки томонида кўмир қазиб чиқариш ишларининг ҳаммаси тўла равишда механизациялаштирилган кўмир шахтасининг ишлаб турган макети, жаҳон рекордчиси бўлган машиналаримиз: шахта қурадиган «Қарағанда 7/15» комбайнининг, кўмир қазиб чиқарувчи «КМ—87» комплексининг ҳамда совет конструкторлари ер остида ишлаётган одам меҳнатини енгиллаштирмоқ учун яратиб берган бошқа ноёб машиналарнинг моделлари қўйилган. Сал нарироқдаги бир макетда минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи саноат комплексининг диаграммасини кўрасиз. Унинг қаршисида крекинг установкасидан тортиб, то сунъий оқсил заводигача бутун «улкан химия» комплексини кўрсатувчи ҳудди шундай катта макет-диаграмма турибди. Йўлканинг бир бошн Красноярск гидроэлектростанциясининг ишлаб турган макетига бориб тақалади. Бу макет тепасида СССРни электрлаштириш ва тасвирловчи ёй шаклидаги портрет, ундан юқорироқда эса Ленининг жуда катта барельефи турибди...

Иккинчи қаватдаги экспозиция мамлакатимизнинг ресурслари ва улар қандай ўзлаштирилаётганлиги билан таништиради. Даметри бир метрли ойнаванд шарлар ичида фойдали қазилмаларнинг намуналари қўйилган. Яна шу залда сиз программа билан бошқариладиган турилдиган ақлли станокларни кўрасиз. Бу ерда қудратли кучга эга бўлган кўркам асбоблардан иборат бир тўда совет лазерлари, оптика буюмлари, соатлар, радиоприёмниклар, телевизорлар кўргазмага қўйилган.

Совет Иттифоқи павильонидаги экспонатлари санаб чиқиш жуда қийин. Чунки бундай экспонатлар бизнинг павильонимизда ўн мингта!

Ҳақиқатан ҳам экспонатларнинг ҳаммасини айтиб бериш қийин, лекин павильоннинг бир бўлими тўғрисида индамай ўтиб бўлмайди. Совет кишиларининг қўли билан ясалган йўлдошлар ва автомат космик станциялар ва уларнинг никель қопланган, яхшилаб сайқал берилган сирти ҳудди томнинг тагида баҳор қуёшининг нури остида кун бўйи ярқираб турибди. Бу экспозиция космонавтларимизнинг портретлари билан бошланади. Энг олдинда Владимир Михайлович Комаровнинг портрети. Сербар қора рамка уни космос забткорлари отрядидаги ўртоқларидан, Ер юзида яшаб турган ҳамма кишилардан, унинг фан равнақи, инсон саодати деб кўрсатган шижоатидан миннатдор бўлган ҳамма кишиларда ажратиб турғандек туюлади...

Павильонга охирги пардоз бераётган кишиларга ҳалақит бермаслик учун у ердан чиқиб кетдик, чунки уларнинг ихтиёрида саноқли соатлар қолган. Аммо хотиржам бўлаверинг, улар ўзларига топширилган вазифани кўнгилдагидек қойил қилиб бажаришади.

## ГФРДА НАРХ-НАВО ОШМОҚДА

**БОНН. Ғарбий Германияда кейинги беш йил ичида нархлар жуда ошиб кетди. Натижада Германия Федератив Республикасидаги юз минглаб оилаларнинг турмуш даражаси пасайиб қолди. Расмий маълумотларга қараганда 1962 йилдан 1967 йилнинг бошигача бўлган давр ичида Германия Федератив Республикасида нон нархи 30,7 процент, гўшт нархи 22,4 процент, балиқ нархи 53,5 процент кўтарилди ва ҳоказо.**

**Квартира учун тўланадиган ҳақ тўхтовсиз ошиб бораётганлиги Ғарбий Германиядаги миллионлаб аҳоли устига айниқса катта юк бўлиб тушмоқда. Кейинги тўрт йил ичида квартира ҳақи 30 процент кўтарилди. (ТАСС).**

### ТУРМУШ ВА МЕҲНАТ ШАРОИТИНИНГ ЯХШИЛАНИШИ УЧУН

### ФРАНЦИЯ

ПАРИЖ. Францияда забастовка ва намойишлар кучайиб бораётир. Меҳнаткашлар ўз ҳуқуқлари учун курашни авж олдирмоқдалар.

Лотарингиядаги металлургия заводлари ишчиларидан 60 минг киши иш ташламоқда.

Франция савдо флотининг команда состави уч кунлик забастовка ўтказмоқда, кемаларнинг эгалари иш ҳақини ошириш тўғрисидаги янги битимларни тузиш тўғрисида касаба союзларнинг талабларини қондиришдан бош тортганларидан кейин забастовка тўғрисида қарор қабул қилинди.

Франция умумий меҳнат конфедерацияси составига кирувчи денгизчилар касаба союзларининг миллий федерацияси команда составининг забастовкаси билан бирдам эканлигини билдирди.

Забастовка Гавр, Марсель, Бордо, Ла-Рошель ва Франциянинг бошқа портларида тўхтаб қолган кўпгина савдо кемаларига ҳам ёйилди.

### ЯПОНИЯ

ТОКИО. Япония цемент саноати ишчилари касаба союзлари федерацияси бутун мамлакатда 48 соатлик забастовка эълон қилди. Иш ташловчилар иш ҳақини оширишни ва меҳнат шароитини яхшилашни талаб қилмоқдалар. Федерация 28 минг аъзога эга. Бу —япон цементчиларининг шу ҳафтадаги учинчи забастовкасидир.

### АНГЛИЯ

ЛОНДОН. Бристолдаги авиация заводида ишчилардан 600 киши забастовка эълон қилди. Забастовка натижасида Англия билан Франция биргаликда қураётган овоздан тез учувчи «Конкорд» осмон лайнери қуришдаги ҳамма ишлар тўхтаб қолди, иш ташловчилар маъмурият ишдан бўшатган ўз ўртоғининг яна ишга олинишини талаб қилмоқдалар.

(ТАСС).

### АФИНА КЎЧАЛАРИДА ВАРАҚАЛАР

НЬЮ-ЙОРК, 28 апрель. (ТАСС). Афина кўчаларида демократия ва озодликни ҳимоя қилишга чақирувчи варақалар пайдо бўлди. Ассошиэйтед Пресс агентлигининг хабарида айтилишича, бу Греция пойтахтида 21 апрелдаги фашистлар тўнтариши натижасида ўрнатилган янги режимга бўлган қаршиликнинг биринчи ифодасидир.

## ТАБРИК ТЕЛЕГРАММАЛАРИ

**Шодиёна кунларда кишилар бир-бирларини йўқлаб, табрик телеграммалари юборишади. Бу одат тусига кириб қолган. Байрам арафаси кунларида шаҳар алоқа бўлимларига келаётган табрик телеграмаларининг сонсаноғи йўқ. Уларда кишиларнинг энг яхши тилак ва истаклари баён этилган. Қутлов телеграммалари мамлакатимизнинг турли шаҳар ва районларидан —Москва, Ленинград, Киев, Куйбишев ҳамда бошқа қардош республикалардан, ёрн-дўстларимиздан келаётир. Улар орасида янги Тошкентни бунёд этаётган қурувчилар номига келаётган табрикномалар айниқса кўп. Чет эллик дўстларимизнинг ўз тошкентлик ўртоқ-биродарларини табриклаб йўллаган телеграммалари ҳам беҳисоб.**

**Шу кунгача тошкентликлар номига 100 мингдан ортиқ телеграмма олинди. 80 дан зиёд алоқа бўлими ва кўчаларда, олий ўқув юртларида ташкил этилган қўшимча кассалар ҳам аҳолидан табрик телеграммаларини қабул қилиб олмоқда.**

**Яхши истаклар билдирилган телеграмма ва хатларни ўз эгаларига етказиб бериш учун байрам кунлари 800 дан ортиқ почтальон хизмат қилади. Улар га бир неча автомашина бириктирилган.**

### ТАОМЛАР ВИСТАВКАСИГА МАРҲАМАТ

**Шаҳар умумий овқатланиш бўлимининг ходимлари 1 Май байрами муносабати билан махсус виставка ташкил этдилар. Унда шаҳардаги ҳамма ресторанлар ва ошхоналар қатнашади. Олег Кошевой номли майдонда ташкил этилган мазкур виставкада турли хил ярим фабрикат маҳсулотлари харид қилиш мумкин. Шаҳардаги уста ошпазлар ўзларн тайёрлаган энг яхши таомларни байрам дастурхонини безаш учун келтирадилар. Хилма-хил мазали нонлар, норин, товуқ гўшти, котлет, сомса, қазн ва бошқа лаззатли таомлар виставкада намойиш қилиб кўрсатиладн.**

**Пойтахтимиз ошхоналаридаги ошхоналарнинг пазандалари ҳам таомлар виставкасига атаб ярим фабрикат маҳсулотларини тайёрладилар. Октябрь, Ленин Куйбишев ошхоналар трести ходимлари меҳнаткашларнинг байрам дастурхонини безаш учун ўз маҳоратларини намойиш қиладилар. Байрам кунлари Бўкадаги янги спорт майдончасида бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг чиқишлари уюштирилиб, махсус программада концерт қўйиб берилади.**

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

### СПОРТ БАЙРАМИ

**Бўка райони марказида, Пискентда ва «Бўка» совхозида 1 Май муносабати билан мактаб ўқувчиларининг катта спорт байрами бўлади. Бунда спортнинг ҳамма турлари бўйича мусобақалар ўтказилади. Ўқувчилар футбол, волейбол, баскетбол, шахмат-шашка, қўл тўпи ўйинларида қатнашиб, ўз маҳоратларини намойиш қиладилар. Байрам кунлари Бўкадаги янги спорт майдончасида бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг чиқишлари уюштирилиб, махсус программада концерт қўйиб берилади.**

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

БОСИЛМАГАН ХАБАРЛАР ИЗИДАН

## «ЎЗБОШИМЧА ШОФЕР»

**Манзилга тез етиб олиш мақсадида такси машинаси тўхтайдиган жойга келдик. Навбатимиз келиб, 35-90 ТНА маркали машина ёнимизда тўхтади. Машина эшигини очиб шоферга мурожаат қилдик.**

**— Қаёққа борасизлар!**

**Борадиган жойимизни тушунтирдик. Лекин, маршрут шоферга ёқмади шекилли, у «ҳеч қаёққа бормайман» деб туриб олди. Ялиниб-ёлборсак ҳам иптимосимизни қатъий рад этиб, жўнаб қолди.**

**Иш пайтида йўловчиларга шундай қўпол муносабатда бўладиган шоферларга нисбатан автокомбинат раҳбарлари нима деркин!**


**Н. НОРМУРОДОВ,**
**Ш. РАҲМОНҚУЛОВ,**
**Т. ОТАЖОНОВ,**
**ТошДУ студентлари.**

* * *

**Мазкур шикоят хати текшириш учун 2-автокомбинат маъмуриятига юборилди. Редакция яқинда автокомбинат директорининг ўринбосари Д. Д. Школин ва эксплуатация бўлимининг бошлиғи И. П. Шариннко ўртоқлар имзоси билан жавоб хати олди. Хатда шундай дейилади:**

**«Иш вақтида йўловчиларни сўраган жойига элтиб қўйишдан бош тортгани учун такси шофери Н. Яфуновга выговор берилди ҳамда бундай ўзбошимчаликни такрорламаслик уқтирилди. Бу ҳақда бошқа шоферларга ҳам тушунтирилди».**

## ЛЕНИН БЎЛГАН ЖОЙЛАРДА



Доҳиймиз В. И. Ленин Финляндиянинг пойтахти Стокгольм шаҳрида бир неча марта бўлиб, ўзининг кўп вақтини қирол кутубхонасида иш устида ўтказар эди. 1906 йили Стокгольмда РСДРП нинг IV (қўшма) съезди бўлган.

О. Апухтин чизган сурат.



# „МЮЗИК-ХОЛЛ“ ТОШКЕНТДА



Шу кунларда пойтахтимизнинг Свердлов номли концерт залида Москва давлат «Мюзик-холл» ансамбли концертларн зўр муваффақият билан ўтмоқда. «100 ва бир кун Парижда» деб аталган программа бой ва ранг-барангдир. Ансамбль қатнашчиларининг ҳар бир чиқишлари шаҳарлик томошабинлар қалбида чуқур из қолдирмоқда.

Суратларда: (юқорида) «Радуга» рақс группаси қатнашчилари. Пастда: артистлардан Кристина Мацаевска, Любовь Сидоренко ва Светлана Родионовалар.

А. Абалян фотолари.





## „БОРЛИҚ ВА ДИН“

Яқинда табиий ва илмий билимларни тарқатувчи музей ходимлари Ленин районидаги 94-мактаб биносида «Борлиқ ва дин» деган темада кеча ўтказдилар ва кўчма виставка ташкил қилдилар. Кечада ота-оналар, юқори синф ўқувчилари, ўқитувчилар қатнашди. Диннинг реакцион моҳиятини фош этувчи турли темаларда лекция ва суҳбатлар бўлди. «Болаларни атеистик рухда тарбиялаш», «Диннинг келиб чиқиши ва «Ҳайит», «Коммунизм ва дин» деган темаларда ўқилган лекциялар тингловчиларда катта таассурот қолдирди.

З. АХТЯМОВА.

# ЯНГИ ШЕЪРЛАР

### ВИСОЛ

Яна қаро кўзларингда оташ ва ҳижрон,
Яна келдинг боғлар аро мени сўроқлаб.
Гул қошида бол арилар қуришиб ғужғон,
Яна келдинг бинафшани кўксингга боғлаб.
Тўққиз ойдир, йўлларингга боқдим интизор,
Қалам билан суҳбат қурдим васф айлаб сени.
Васли умид гулшанида битилган ашъор —
Ёлворарди ҳижрон ичра қўйма деб мени.
Бугун ўша куз фаслида битган шеъримга
Яна сени келди дея берурман хабар.
Деҳқон уруғ сочган янглиғ она еримга
Васфинг билан беғанажак янги бир дафтар.
Яна сўлим баҳор келди, азиз нисонлар,
Яна дилдан тўкилмоқда шеъру достонлар.

### СЕВГИ ФАСЛИ

Хиёбонлар хилватгоҳин этинг-у канда,
Лолазорга чиқинг энди ошиқ-маъшуқлар.
Севги фасли интизордир сизга чаманда,
Дилдан дарё бўлиб оқсин ишқий қўшиқлар.
Муҳаббатнинг достонидан ўқиб бир варақ,
Лайли-Мажнун қиссасини сўзлангиз ёрга.
Сайри лола қилолмасдан ўтмишда ушшоқ —
Хор бўлганни ёдга олинг, дўстлар, бир бора.
Сўнг чаманда кабутардай чарх уринг, майли
Кўнгликгинада қолмасин ҳеч заррача ғубор.
Лолазорда қолиб кетинг севги туфайли,
Сизлар билан сархуш бўлсин бу гўзал баҳор.
Эй ошиқлар, билинг, баҳор — уч ойдир фақат.
Неча ойдир айтолмайман васли муҳаббат!

### ГУЛ БЎЙИДАН ТУТАР ЖОМ

Сен туғилган фасли наврўз бу айём,
Гул бўйидан менга тутар тўла жом.
Нетай, ишқинг шаробидан маст эрдим,
Маст ҳолимга кўклам кўлмиш, гуландом.
Шамдай ёниб, бир ғазалнинг ишқида,
Васфинг куйлаб ооораман субҳи шом.
Ишқ китобин мендан ўқиб бир булбул,
Субҳидамдан нола чекар то оқшом.
Сувсизликдан ҳолдан кетган ҳар ғунча
Бир юзингни хандонига ўзинни
Бир умрга этиб қўйдинг ўзинг ром,
Васли баҳор бўстонида шод кўнгил,
Гул бўйидан менга тутар тўла жом.

Барат БОЙҚОБУЛОВ.

### Ф О Н А

Она десам кўзимга
Жилвагар жаҳон боғи,
Жаҳон боғин қўйнида
Қайнар меҳр булоғи —
«Болам!» дея бағрини
Очган она кўринар.
Буюкликда қуёшдек
Бир ҳамхона кўринар.
Парча этдан буюк бир
Инсонни ато қилур.
Она қадрин билмаган
Фарзанд кўп ҳато қилур.
Узоқ тунлари бедор!
Роҳатидан кечади.
Боласини аллалаб,
Ўтказади кечини.
Шу меҳрибон, жигар сўз,
Шу бошда парвонамиз.
Шу жаҳонга бергусиз
Ягона зот онамиз.
Она мазмунан ҳаёт,
Десак тўғри атаймиз.
Она билан бағримиз —
Бутун, руҳан отдаймиз.
Она шундай шарафли
Бир ном, турмуш лаззати.
Минг китобга жо бўлмас
Бир она фазилати.
Заводларда, ГЭСларнинг
Қудратида она бор.
Она билан жон топар
Саҳнамизда «Тановарр».
Космосларга сафарда
Оқ йўл тилар ҳам ўзи,
Қалбларга куч, жасорат
Бахш этар она сўзи.
Пахтазорда гўзалар,
Унинг парваришида.
Ўрол сари йўл олган
Оловкорлар ишида.
Ҳаммасида муътабар
Она улуши бордир.
Она кўзимиз нури,
Она қалбга мадордир.
Бугун шу улуғ зотни,
Байрам-ла, табриклайман.
Миллион йиллар яшанг! — деб,
Бахт ва иқбол тилайман.

Толиб ИЎЛДОШ.

# ҚИШЛОҚ ЛУҚМОНИ

ҚАТОРТОЛ қишлоғининг тунги маҳаллараси, жуда серфайз. Айниқса, шу кунларда қишлоқ бикинида янги уй-жой квартали барпо этилаётганлиги учунми, ҳар қалай тупи билан қишлоқ нур қўйнида бўлади. Осмонга ўрмов чўзган минора кранларининг гурилаши қишлоқ белига кумуш камар бўлиб оқадиган сувнинг шилдирашини ҳам босиб кетади. Сойибжон қишлоқнинг тунги манзараси мафтуни. У кечалари ўзи туғилиб ўсган шу жойнинг нашъу намосини, файзу тароватини томоша этишни канда қилмайди.

У ҳозиргина ишдан қайтиб келди. Ечиниб, овқатланди. Нариги хонага кириб болаларининг ишшиллаб ухлаётганлигини бир дам завқ билан кузатди. Сўнгра, кундалик одати бўйича, яна ҳовлига чиқди. Басоатхон Сойибжоннинг елкасига уйда киядиган бекасам тўнини ёпиб қўйди. Сойибжон ҳовлисидаги қалин дарахтларда сайраётган қушларнинг чирқ-чирқига бир дам маҳлиё бўлиб турди. Кейин сув бўйига борди. Анҳор бўйида қанча ўтирганини хаёлига ҳам келтирмайди.

Дарвоза бирдан қаттиқ тақиллади. Басоат югуриб ховлига чиқди. Дарвозани очди. Эшикда таниш чеҳра кўринди. Нима гап? Нега у бундай ташвишли кўринади? Сойибжон унинг олдига югуриб келди.

— Пўк демайсиз, бир илтимос билан келдим. Дадам оғирлашиб қолдилар. Тўғри сизнинг олдингизга югурдим. Бормасангиз бўлмайди. — Қобилжон Сойибжон билан тенгдош бўлса ҳам, шу тобда сизсираган Сойибжонга негадир эриш туюлди. Лекин Қобилжоннинг аҳволи-руҳиясини ҳисобга олганда ундан сира гина қилиб бўлмасди. Одам шошиб турганда кўнглидагини дангал айтади-қўяди.

Икки ҳамқишлоқ йўлда боришяпти. Йўл-йўлакай Сойибжон Қобилжондан дадаси Абдуқодир аканинг аҳволини, унинг касали сабабларини, кейинги вақтда қандай ўзгаришлар бўлганини суриштириб борди. Қобилжоннинг эшигига яқинлашишганида Сойибжон Абдуқодир ака бетоблигига оид тафсилотларни билиб олганди.

Ҳовлига киришганида уйга тўпланганларнинг ҳаммаси бошқа хонага ўтиб кетишди. Абдуқодир ака бир ҳолатда ётарди. Қон босими бирдан кўтарилиб кетибди. Сойибжон қўлидан келган барча ёрдамни кўрсатди, бутун врачлик маҳоратини ишга солди. Бир вақт беморнинг кўзи очилди. Чеҳрасига иликлик югурди. Бемор кўз очганида у беҳад хурсанд бўлди. Лабларини қимтиётган беморга сув беришни таклиф қилди. Қобилжон совуқ чой ҳўплатиб бўлганидан кейин Сойибжон яна аппаратини ишга солди. Энди врачнинг ҳам юзига қон югурган эди. Беморнинг дарди енгилланиб, қон босими камайиб бораверди.

Кўчадан одамлар ўтаётганлиги тонг отабошлаганидан бир нишона эди. Сойибжон ўзининг чарчаганини энди сезди. Қобилжонга нималарнидир тайинлаб, эртаси яна келишини айтди. Абдуқодир ака Сойибжонга нигоҳ ташлаб сал жилмайди. Буни шифокорга унинг миннатдорчилиги изҳори деб тушуниш мумкин эди.

Мусаффо тонг юзидан қора пардасини аста-секин олабошлади. Унинг чеҳраси гулгун яшнаб, борлиқ кўзга равшан кўриниб бораверди. Сойибжон қишлоғининг шу қиёфаси очушида дадил одим ташлаб борарди. Одатда одам ёлғиз бўлса, унга хаёл йўлдош бўлади. Сойибжонга ҳам шундай туюлди. Унинг хаёли узоқ-узоқларга парвоз этди.

... Балки қирқ ёшида қазо қилган шўрлик отасининг ҳам Абдуқодир ака сингари врачни кута-кута оламдан ўтгандир. Нега ўша вақтларда эшак минган домлани чақириш ўрнига врачни таклиф қилишмаган. Зотилжам касалини даволаш ҳозирги замон медицинаси учун унчалик муаммо эмас-ку! Шўрлик отаси арзимаган касал билан дунёдан кўз юмди. Врач чақирмай эшак минган домлани олиб келган онасини ўзича койиндн-ю, унга ҳам осон эмаслигини ўйлаб очиқ-ойдин бир нима демайди. Ўша вақтда Сойибжон ёғоч от миниб чиллак ўйнаб юрган бола эди. Бу гапларнинг маъносини қаердан биларди.

Еш бошига анча мушкуллар тушди. Бирин-кетин тўрт ўлим кўрди. Отасидан сўнг икки акаси ва амакиси Сойибжонни ёлғиз қолдириб кетишди. Мана шуларнинг ҳаммаси унга бир умрлик сабоқ бўлди. Катта амакиси Собиржон ака Сойибжон ўрта мактабни тамомлаганда қишлоқ хўжалиги бўйича мутахассис бўлишга таклиф қилди. Бу ҳам унга маъқул эди. Чунки у қишлоқда юришни, қишлоқда яшашни, сигир-бузоқ боқишни яхши кўрарди. Лекин қалбидан чуқур жой олган орзусини рўёбга чиқариш учун бундан ҳам воз кечгуси бор эди. Собиржон акага Сойибжон бирон нима деб гап қайтаролмади. Етуклик аттестати қўлига теккач, Собиржон ака ҳужжатларни тўлдиришда ёрдамлашди. Тўппа-тўғри Тошкент қишлоқ хўжалиги институтига олиб борди. Бироқ яна алла қандай ҳужжатлар сўралди. Эртасига Собиржон аканинг иши чиқиб қолиб Сойибжоннинг ўзини юборди. Сойибжон икки олов орасида ўртанарди. Амакисини алдасинми? Адаси ўрнида қолган шу меҳрибон ва ҳамиша маслаҳатгўй кишисини-я! Е бўлмаса катта бўлсам одамларга шифо берадиган киши бўламан деб ўзига-ўзи берган ваъдасидан воз кечсинми? Сойибжон очиқ сўз йиғит. Кўнгли буюрганини қилади. Ҳужжатларини тўппа-тўғри Тошкент Медицина институтига топширди. Имтиҳонлар давом этаётган кунларда ҳам Собиржон акага бирон нима демади. Эҳтимол, ўша кунларда амакиси унн агроном бўлади деб ўйлагандир. Қириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, даволаш факультети студенти бўлганлиги ҳақида мандат комиссиясидан хушхабар эшитгач бор гапни Собиржон акасига айтиб қўяқолди.

— Агар врач бўлмасам, ўзимдан-ўзим кейин пушаймон бўлиб юраман. Мен шунга аҳд қилганман.

Собиржон ака аввал нималарнидир ўзича мулоҳаза қилиб кўрди. Кейин:

— Қалбинг буюрганини қилган бўлсанг, қандингни ур ука, бу менинг ҳаёлимга ҳам келмаган эди.

Сойибжон яйраб кетди. Қувончидан қалбига сигмасди. Шу тобда амакисининг бўйнига осилиб олгуси, тўйиб-тўйиб ўпгуси, унга миннатдорчилик билдиргуси келди. Лекин ўзини босиб олди. Бироқ унинг қалбидаги ана шу тўлқин эпкинларини Собиржон ака барибир билиб турарди.

... «Ҳа-ҳу» деганча студентликнинг завқли ва қийинчилик йилларн ҳам ўтиб кетди. Сойибжон Солихов врачлик дипломини олиб Янгийўл районидаги Шўралисой қишлоғи касалхонасига жўнади. Бу ерга у қишлоқ касалхонасининг қирқ биринчи бош врачи бўлиб келган эди. Касалхонада институтда олган билимларини ишга солди. Бир йил мобайнида касалхона қиёфасини ўзгартиргинигина қолмай, ўринлар сонини анча кўпайтирди. Ҳамма унга ихлос қўйиб қолди. Лекин бир воқеа рўй бердики, бу Сойибжоннинг бутун умри бўйи унутилмайдиган из қолдирди.

...Фарзандга исм қўйиш аввалю ота-онанинг ҳоҳишига боғлиқ. Қадимий одатимизга кўра фарзандга исм қўйишда оиладаги ёши улуғларнинг раъйига қаралади. Аммо ҳозирги вақтда ёш ота-онанинг таклифи ҳам инобатга олинадиган бўлиб қолган. Сойибжоннинг оиласида тўнғич фарзанд дунёга келгач, кўп тортишувлар бўлди. Хонадоннинг кексаси бўлган бува: «Ўз номингга тақовул бўлсин» деб бешолти исмни қаторлаштириб ташлади. Бошқалар ҳам ўз таклифларини муҳокамага қўйишди.

Лекин ҳамма Сойибжоннинг фикрига қўшилди. У ота бўлгани учунми? Асло, бунинг учун эмас. Бўлмаса нега Сойибжон тўнғич фарзандининг исмини Гулчеҳра деб қўйди, «шу исм қўйилса» деб туриб олди?

Гап бундай бўлган эди. Сойибжон Солиҳов врачлик дипломини олиб, Шўралисой қишлоғидаги касалхонага келгач, бир кўнгилсиз воқеа юз берди.

Касалхонага саккиз-тўққиз ёшли бемор келтирилганда, Сойибжон уни обдон текширди. Касалхонага ётқизиш лозимлигини айтди. Беморнинг аҳволи оғир эди. Аммо унинг отаси бу ерда даволашга рўйхуш бермади. Барибир, врач айтганини қилди. Бемор — қизалоқ касалхонага ётқизилди. Зарур чоралар кўрилди. Касалликнинг аҳволи кундан-кунга дуруствлаша борди.

Кунларнинг бирида беморнинг отаси келиб, қизини олиб кетажагини айтди. Врачнинг тушунтиришларини, агар шу ерда даволанса касал тезроқ арнши, албатта тузалиб кетиши ҳақидаги гапларни қор қилмади. Ота икки оёғини бир этикка тиқиб туриб олди. «Олиб кетажаги»ни кескин қилиб қўйди. Охири шаҳар касалхонасига ётқизишга ваъда берди. Қишлоқ касалхонасининг врачи бемор ҳақидаги фикрларини ёзиб, шаҳар касалхонасига ётқизиш учун тасвия қоғози ёзиб берди. Ота касалхонада тузала бошлаган қизини шаҳарга эмас, тўппа-тўғри уйига олиб кетибди. Ўз билганларича «даво» қилибди. Бу кунлар ичида бемор қизалоқ касалига касал қўшилавериб охирн...

Ана шу «охири» Сойибжонни доғда қолдирди. Бемор қиз Гулчеҳра эскилик иллати билан заҳарланган ота туфайли дунёдан кўз юмди.

Шўралисойлик қизчанинг тақдири Сойибжонга бир умр аччик сабоқ бўлди. Қишлоқда медицина пропагандасини кучайтириб юборди. Касалхонада ишловчи медицина ходимлари ўртасида ҳушёрликни оширди. Беморларнинг аҳволидан ҳамиша бохабар бўлиб туришни одат қилди. Қишлоқ аҳолиси хонадонларида беморни «ўз билганича» даволашнинг оқибатлари ҳақида тушунтириш ишларини кучайтириб юборди. Қишлоқдагилар унга ихлос қўйиб қолишди. Ёшу қари унга маслаҳат соладиган бўлди.

Сойибжоннинг довруғи ўзи туғилиб ўсган қишлоққа ҳам етиб келди. Калинин районидаги Қатортол қишлоқ Советининг «Москва» колхози аҳолиси унга қадрдон. Болалигини шу ерда ўтказган. Ўрта мактабни ҳам шу ерда тамомлаган. Унинг таржимаи ҳоли Қатортол қишлоғи аҳолисига беш қўлдек маълум. Тўйларида хизмат қилишган, мушкул кунларида ҳамдард бўлишган. Шу важдан бўлса керак, у ҳамқишлоқларининг бир сўзини икки қилолмади. Қатортолликларнинг талаби билан кинднк қони тўкилган қишлоққа қўниб келди. 1961 йилдан буён Қатортол қишлоқ касалхонасида врач бўлиб ишлаб келмоқда.

Ўрта бўй, кенг яғринли, бугдойранг, оғир табиатли бу йигитни қишлоқ аҳолиси жуда ҳурмат қиладн. Уни қишлоғимиз дуқмони дейишади. Табиб табиб эмас, бошқалардан ўтказган табиб дейишади. Инсон саломатлигининг посбони бўлиб етишишга бел боғлаган Сойибжон ҳозир қишлоқнинг энг обрўли врачи. Одамларга ғамхўр, меҳрибон.

Касалхонадаги ҳамкасблари ҳам ундан миннатдор. Қишлоқнинг ёш медицина ходимлари Суннатбек Давронбеков, Ўктамжон Раҳматовларга врачликда тўпланган бой тажрибаларини қунт билан ўргатяпти. Касални даволашни охирига етказмагунча қўлни жойига тушмайди. Иш вақтида мавруди бўлмаса, ишдан сўнг, дам олиш кунларида ҳам беморидан хабар олишни канда қилмайди. Шўралисойлик қиз Гулчеҳра воқеасидан буён шунга одатланган. Унинг тўнғич қизини ҳам эскилик қурбони бўлган ўша қизнинг номи билан атади.

Унга ҳавас қилиб фарзандининг номини Сойибжон деб қўйганлар ҳам кўп. Касбини улуғлаётган, эл-юрт саломатлиги деб уйқусидан кечадиган, вақтини аямайдиган истеъдодли врач Сойибжон билан ҳамқишлоқлари фахрланганларича бор. У институтда бошлаган илмий ишини давом эттириш истагида. Одамлар саломатлиги учун янги парвозларга шайланмоқда.

...Сойибжон Солихов уйга етиб келганида, тонг келини юзидан пардасини олиб ташлаб, ҳаммаёқ сутдек ёришиб кетган эди. Ана шу хаёллар билан уйга етиб келганида умр йўлдоши Басоатхон Юсупалиева эрталабки ионуштани тайёрлаб қўйган эди. Басоатхон ҳам врач. Қишлоқдаги медицина пунктининг мудири. Қатортоллик-лар врачлар оиласининг рўзғор тутиши, кўпчилик ўртасидаги ҳар мат-эътиборига ҳавас қилишади.

Жўрабой ХОЛҚОСИМОВ.



Суратда: врач Сойибжон Солиҳов беморни кўздан кечирмоқда.
А. Тўраев фотоси.

## О Ч Е Р К

## СПОРТ

### «ПОЛИТОТДЕЛ» ҒАЛАБАСИ

Ўтган куни марказий «Пахтакор» стадионида «Политотдел» колхози футболчилари Томскнинг «Торпедо» командаси билан учрашиб 5:0 ҳисобида ғалаба қозондилар. Ишқибозлар ўйинидан мамнун бўлиб тарқалишди. Узоқ танаффусдан кейин катта футболда ўйнашга изжозат олган С. Стадник ҳужумга бошчилик қилди. Бу футболчи гарчанд рақиб дарвозасига бирорта тўп киритмаган бўлсада, барча тўпда унинг катта ҳиссаси бор.

«Политотдел» тўрт турдан кейин икки ғалаба қозонib ва икки ўйинни дуранг қилиб 6-очко билан пешқадамлар сафида боряпти.

### КУПКУНЛИК ПОЙГА ҒОЛИБЛАРИ

Ўзбекистон XIV спартакиадаси программаси асосида ўтказилган кўпкунлик пойга ўтган куни ниҳоясига етди. Кўнгилли спорт жамиятлари терма командалари ва бошқа областлардан келган спортчилар ўн кун давомида 1004 километр йўл босиб ўтишди.

Пойга давомида 25 километрга шахсий ҳисобда республика чемпиони деган ном учун ҳам кураш бўлди. Унда пойтахт армия спорт клуби вакили спорт мастери В. Семёнов ғолиб келди.

Пойганинг дастлабки этапларданоқ кураш асосан А. Дулин, А. Черноглазов, В. Семёнов ва В. Балалуевлар ўртасида борди. Сўнгги этап олдидан яъни пойгачилар Оҳангарондан Тошкентга йўлга чиқишларидан олдин, шахсий ҳисобда В. Семёнов 22 соат 16 минут 50 секунд вақт кўрсатиб пешқадамлик қилаётган эди. Унинг командадош дўсти А. Дулин эса бир минут фарқ билан иккинчи ўринни эгаллаб турган эди. Сўнгги Оҳангарон—Тошкент этапи ғолиблар ўрнига бирорта ўзгартиш киритмади деса бўлади. Шахсий ҳисобда ҳам, умумкоманда ҳисобида ҳам ғолиблар ғолиблигича қолишди. Шундай қилиб В. Семёнов кўпкунлик пойга ғолиби бўлди. А. Дулин эса иккинчи ўринга чиқди. «Динамо» жамияти вакили Замерайдо учинчи ўринни олиб, спорт мастери нормативини бажарди. Умумкоманда ҳисобида ўринлар қуйидагича тақсимланди: Армия спорт клуби, «Динамо», «Спартак».

### ОЛИМПИАДА УМИДЛАРИ

«Олимпиада умидлари» совриниучун енгил атлетика бўйича ўтказилган мусобақалар тугади. «Меҳнат» вакили Николай Скориков ядро иргитишда республика рекордини 15 сантиметрга яхшилади ва спорт мстери нормативини бажарди. У иргитган ядро 17 метр 04 сантиметрга борib тушди. Найза улоқтиришда Армия спорт клуби вакили Г. Скалозубова ва молот иргитишда Э. Андрисларга тенг рақиб топилмади.

«Олимпиада умидлари» совринини АСК (Тошкент) енгил атлетикачилари олишди.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

## Реклама ва Ғолиблар

## ТЕЛЕВИДЕНИЕ

**30 АПРЕЛДА**

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 10.55 — Эшиттиришлар программаси. 11.00 — Мурзилка ва дев (мультфильм), 11.20 — Баҳор табассуми (болалар учун), 11.45 — Осмон налити (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 13.00 — Еш куч (мактаб ўқувчилари учун спорт программаси), 13.40 —Улар 200 ни.шн эди (телефильм), 14.00 —Май қувончлари (эшиттириш ва концерт), 15.00 — Аҳолини атом ҳавфидан муҳофаза қилиш (рус тилида).

Рус тилида: 16.55 — Эшиттиришлар программаси. 17.00 —Телевизион янгиликлар. 17.10 — Қурувчиларнинг телевизион клуби, 18.30 — Циклон тунда бошланади (телевизион бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 19.45 — Телевизион янгиликлар, 20.00—Ғазалхон ёшлигим («Ёшлик» студияси), 21.00— Май базми.

22.30 дан —Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Тошкент кўрсатади

10.55 — Эшиттиришлар программаси, 11.00 — Математика (сиртдан ўқитган студентлар учун ўқув программа), 12.00 — Математика (рус тилида).

13.00 дан —Москва кўрсатади.

## ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА —30/IV да Спартак.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 30/IV да Ўғирланган умр, 1/V да кундуз ва кечқурун Парвона, 2/V да кундуз ва кечқурун Веронали икки йигит, 3/V да Қутлуғ қон, (кундузги томошалар соат 12 да, кечки томошалар 8 яримда бошланади).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 30/IV да Нурхон, 1/V да кундуз Қалам қошлигим, кечқурун Гули снёҳ, 2/V да кундуз Катта концерт, кечқурун Тошболта ошиқ (кундузги томошалар соат 12 да, кечки томошалар 8 яримда бошланади), 1—2/V да Катта концерт (ёзги бинода кеч соат 9 да бошланади).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 30/IV, 1—2/V да Катта байрам томошалари. Москва цирки артистларининг гастроли ва Ҳиндистон филлари аттракциони, (уч марта томоша кўрсатилади).

## КИНО

**1 МАЙДА**

Саёҳат — «МИР», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи).

Виждон амри билан — НАВОИЙ номли, САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқуруи).

Ғазаб — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқуруи).

Гуноҳкорлар мантаби — СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқуруи).

Уруш ва тинчлик (1 ва 2-серия) —«ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқуруи).

Алёшанинг ови — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11 да).

**2 МАЙДА**

Саёҳат — «МИР», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи).

Виждон амри билан — НАВОИЙ номли, САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқуруи).

Ғазаб — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи).

Уруш ва тинчлик (1 ва 2-серия) —«ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқуруи).

Гуноҳкорлар мантаби — СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқуруи).

Алёшанинг ови — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11 да).

**3 МАЙДА**

Гуноҳкорлар мантаби — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи).

«СПУТНИК» (жуфт соатларда), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва 3 да).

Виждон амри билан — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқуруи), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Ғазаб — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи).

Наташа Ростова — «ЧАПКА» (кундуз ва кечқуруи).

Энг омадсиз кун —«МИР» (кундуз ва кечқуруи).

Спартан — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 6-15 ва 9-15 минутда).

**ЕЗГИ БИНОДА**

(кеч соат 8 ярим ва 10 да).

Тош юраннинг ўғиллари (1 ва 2-серия) —«ЎДАРНИК».

Уни яхши биландим — «ПОБЕДА».

Бўри феъл —«ШАРҚ».

Етти оғайни фарзандлари — «МЕҲНАТ».

Опа — 1 МАЙ номли.

**30 АПРЕЛДА**

Унутма... Лугова станцияси — «ДРУЖБА» (1-залда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқуруи), «СПУТНИК» (эрталаб соат 11, кундуз 3 ва 5 да).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, Правда Востока кўчаси, 26 уй

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор—В35212, Редактор ўринбосарлари—В35885, В36232, Масъул секретарь—В34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари—В31936. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими—В33786. Партия турмуши. Ахборот ва спорт бўлимлари—В35811, Қишлоқ хўжалиги, фан мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари—В39050. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими—В38761. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими—В34048. Эълонлар бўлими—В38142. Коммутатор—В39249 дан В39258 гача.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 00892. Индекс 64970 А — 1849.